


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60730900—Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент архитектура-қурилиш институти

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «12» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари “Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

**МУНДАРИЖА**

Т/р		бет
1.	<b>60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи .....</b>	<b>4</b>
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) Малака талабнинг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .	4
1.2.1.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<b>60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</b>	<b>8</b>
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варақаси .....	10

## **1. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)**

##### **Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

##### **1.1.2. Малака талабларинг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотлариини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича)** бакалаврият таълим йўналиши – фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, қурилиш соҳасини ривожлантиришга, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, услублари ҳамда гидротехника иншоотлари лойиҳаларини бажариш ва тузилган лойиҳа натижаларини амалда қўллаш, гидротехника иншоотларининг техник эксплуатацияси, гидротехника иншоотларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ва инсон фаолиятида сув ресурсларидан жамият эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва сув офатининг атроф-мухитга зарарли таъсиридан химоя қилиш мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– лойиха, лойиха-кидирув ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, гидротехника иншоотларини қуриш, уларни эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- гидротехника иншоотлари қурилиши ва реконструкцияси лойиҳасини тузиши;
- гидротехника иншоотлари оптимал вариантларини танлаш ва жорий қилиши;
- сув ресурсларидан фойдаланиш ва тақсимлаш, гидротехника қурилиши самарадорлигини аниқлаш, гидротехника иншоотларини қуриш ва лойиҳалаш, тажриба тадқиқотларини ўтказиш, тажриба тадқиқотларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган комплекс илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- гидротехника қурилишида грунт, бетон ва монтаж ишларини бажаришни ташкил қилиш ва технологияси, материал-техник ресурслардан самарали фойдаланиш услублари ва қурилишида замонавий технологиялар ва ишни ташкил қилишни қўллаш;
- инженерлик ечимини техникавий-иқтисодий таҳлил қилишни, лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишларининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашни билиши;
- ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимда мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва профессионализмга жавоб бериши керак.

**1.2.3. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий–тадқиқот;
- лойиҳа–конструкторлик;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий–бошқарув;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- педагогик (профессионал таълими тизимида).

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.4. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавр битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий–тадқиқот фаолиятида:

- архитектура ва қурилиш соҳасига тегишли янги техник воситалар, тизимлар, технологиялар, жараёнлар, қурилмалар, конструкциялар, янги турдаги қурилиш материаллари ва конструкцияларини, муҳандислик коммуникация тизимларини яратишда ва амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
- танланган фаолият йўналишига мос келувчи илмий–техник ахборотлар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни билиши;
- берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва ўтказиш, лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетлари асосида математик моделлаштириш усулларини эгаллаган бўлиши;

– бино ва иншоотлар қурилиши соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишида иштирок этиш;

– илмий–тадқиқот, лойиҳа институтлари ва баҳолаш консалтинг хизмати марказларида ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий–тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш;

– ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий–тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий–тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

– республика ва хорижда чоп этилган илмий–техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда кидириб топиш ва амалиётга қўллаш;

– илмий–тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаш.

#### **Лойиҳа–конструкторлик фаолиятида:**

– гидротехника иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;

– гидротехника иншоотларининг муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиш;

– гидротехника иншоотларини лойиҳалашни;

– гидротехника иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, якунланган лойиҳавий–конструкторлик ишларини расмийлаштириш;

– биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлайдиган ҳажмий–тархий ва конструктив ечимларини лойиҳалаш, энергия самарадор қурилиш материаллари ва инженерлик қурилмаларидан фойдаланиш;

– ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва техник ҳужжатларни, топшириқлар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш.

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш;

– турли қурилиш объектларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий–технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;

– қурилишда қўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш;

– гидротехника иншоотлари қурилиш технологиясига риоя қилинишини назорат қилиш;

– гидротехника иншоотлари қурилишида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш;

– қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

- гидротехника иншоотлари қурилиш инфраструктураси ва ишларини ташкил этиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

**Ташкилий–бошқарув фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- гидротехника иншоотлари қурилиши соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;
- гидротехника иншоотлари қурилишида замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- гидротехника иншоотлари қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилишни амалга ошириш ишлари сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ қилиш;
- атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш.

**Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

- гидротехника иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- гидротехника иншоотлари конструкциялари, муҳандислик коммуникация тизимларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- гидротехника иншоотлари қуриш–таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш;
- гидротехника иншоотлари конструкциялар ва асбоб–ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини аниқлаш.

**Педагогик фаолиятида (профессинал таълими тизимида):**

- Профессинал таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича махсус фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- интернет тармогидан ўқитиладиган фанлардан энг янги хорижий дарслик ва ўқув материалларини кидириш, топиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитиладиган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

## **2. 60730900–Гидротехника қурилиши (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиш;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;
- қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш;
- турли қурилиш объектларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий-технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;
- қурилишда қўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш;
- гидротехника иншоотлари қурилиш технологиясига риоя қилинишини назорат қилиш;
- гидротехника иншоотлари қурилишида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жихозларга буюртмалар) тузиш;
- қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш;
- қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;



## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалаврият ўқув жараёни, мустақил таълим, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлар блоки, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, бино, иншоот, лойиҳа, лойиҳалаш, автоматлаштирилган лойиҳалаш, иссиқлик ҳимояси, затворлар, сув омборлари, гидроузеллар, фильтр, сув урилма кудук, дренаж, шлюз, деривация канали, порт, кема, навигация, док, слип, акватория, гидравлик машиналар, ГЭС, босимли қувур, босимли бассейн, насос, насос станцияси, аванкамера, затворлар: сегментли, ясси, чуқур жойлашган, таъмирлаш, кема кўтаргичлар, редуктор, реле-регулятор, регулятор-автомат, причал иншоотлари, кема ўтказувчи канал, шлюз дарвозаси, шлюз камераси, шлюз боши, сув ўтказиш галереяси.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ  
ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:  
Тошкет архитектура-қурилиш институти




Ректор  Р.Р.Ҳакимов

201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш  
маркази



Директор в.б.  М.Эсонов

201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРҒО” АЖ  
Бошқарув раиси  А.А.Сангинов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

«ГИДРОПРОЕКТ» АЖ  
Бош директор  А.И.Ахмедов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

“ЎЗСУВДОЙИҲА” АЖ  
Директори  Ф.Наджимов

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

“КИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА”  
МЧЖ “Геотехника изланишлар  
марказ директори”  
И.И.Усмонхўжаев

202\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.